

Наманганлик шоир Умархон Ахмаджоновнинг асли касби доришунос. Уни «Сардобали шоир Малхамий» ҳам дейишади. Умархон — Малхамий 1940 йилнинг 23 июнида Наманган вилоятининг Сардоба даҳасида илгор зиёли оиласида дунёга келган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг Тошкент Давлат Фарматсевтика олийгоҳига ўқишга кирази ва уни 1965 йилда тугатиб, ўзи тугилиб ўсган жойида доришунос бўлиб ишлай бошлайди.

Худди шу даврлардан бошлаб шеър, газал, кўшиқлар машк килади. Она ер, диёр, мухаббат ва кишилар ўртасидаги окибат унинг шеърларида бош мавзунни ташкил этади. Унинг биринчи шеъри 1963 йилда «Тошкент хакикати» рўзномасида «Кизча муборак бўлсин» номи билан босилиб чиқади. Кетма-кет эса шоир ўз шеърлари билан туман, вилоят ва республика маҳаллий матбуотларида кўрина бошлайди. «Бойчечак», «Олтин беланчак» каби алманаҳларда унинг шеър, газал ва кўшиқлари босилади. Жумладан, шоирнинг «Бойчечак» алманаҳида «Ифтихор» туркумида тўққизта шеъри чоп этилади. У ўзининг «Фидойилик» деган газалида:

Жонажон дўстларга харгиз жон фидо этгум келур,  
Етмаса ул кадрима ул дўст баҳридан ўтгум келур,— дейди.

Хаётда, кишилардаги энг яхши фазилат, хислат, намунали сифатларни бир томондан олқишлаб, шунга даъват этса, иккинчи томондан бемехр, тошбагир, инсоний фазилатлардан маҳрум кишилардан ўзини йирок тутди. Хар икки ҳолатни кўпинча карамакарши кўйиш — контраст оркали янада ёркинрок ифодалашга интилади. Яна бир «Окибат» шеърида:

Орамиздан каерларга кетиб колдинг окибат,  
Окибатли эл юзидан парданг олдинг, окибат, — дейди.

Шоирнинг шу кунгача уч шеърий тўплами чоп этилган. Энг сўнггиси 1992 йилда «Зебосан» номи билан чоп этилди. Тўплам истеъдодли ва суюкли шоир Мухаммад Юсуф фотихаси билан очилди. «У, — дейди М.Юсуф ўз сўзбошисида,— Она диёр, ишк-мухаббат хакида бажонидил калам тебратаётир. Софлик, мехрокибат, самимийликни ўзига хос услубда куйлайди. Шоир хар бир китобхоннинг калбига кириб боришга харакат килади ва бунга эришган ҳам». Ха, шоир Умархон—Малхамий ўз ўқувчиси калбига маънавий малҳам бўлиш иштиёкида, У яратган кўшиқлар ҳам шундан далолат беради. Шоирнинг «Ўтар», «Билгаймусан», «Мехрим ўзинг», «Отажон», «Дўстларим», «Иболи бўлсин» каби кўшиқлари аллақачон хаво тўлкинларида ўз шинавандаларини топган. Аммо шоир хали изланишда, изланиш камолотга етакласа ажаб эмас.